

бор. Сиз эса Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бўлган кимсалардансиз. Мен ҳузурингизга у зотдан бу ҳақда бирор нарса айтганларини эшитганингиз борми?» деб сўраш учун келдим», десам, у киши: «Ҳа, агар сафарда бўлсак (ёки мусофир бўлсак), уч кеча ва кундуз маҳсиларимизни ечмай, (масҳ тортишимизни) буюрдилар. Жунубликдан ташқари катта бўшаниш, бавл қилиш ҳамда уйғонгандан кейин (масҳ тортар эдик)», дедилар. Мен: «Сиз муҳаббат тўғрисида бирор нарса эшитганмисиз?» десам, у киши: «Ҳа, биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда бирга эдик. Бир пайт ҳузурларида ўтирсак, жарангдор овозли бир саҳройи араб: «Эй Муҳаммад», деб чақирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг овозига ўхшатиб: **«Ҳа, нима дейсан?»** дедилар. Мен эса унга: «Сенинг ҳолингга вой бўлсин, овозингни пастлатгин, чунки сен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларидасан, бундай овозни баландлатишдан ман этилгансан», дедим. Саҳройи араб: «Аллоҳга қасамки, овозимни пастлатмайман», деб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Киши бир қавмни яхши кўради-да, уларга етишмаган бўлади?» деб айтганида, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Киши Қиёмат куни яхши кўрган киши билан бирга бўлади»**, дедилар. У зот бизга гапиришда давом этиб, ҳатто мағрибдаги бир дарвозани зикр қилдилар. У дарвозанинг кенглиги қирқ ёки етмиш йиллик отлиқ юришичадир. Ровийлардан бири Суфённинг: «У дарвоза Шом томонда бўлиб, Аллоҳ таоло осмонлар ва Ерни яратган куни халқ қилгандир. У дарвоза тавба учун доимо очиқ бўлиб, қуёш мағрибдан чиқмагунича ёпилмайди», дедилар».

Имом Термизий ва бошқалар ривоят қилишди. Имом Термизий ҳасан, саҳиҳ, дедилар.

Манба: hadis.islom.uz

